ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

А.А.Медатов, Г.Алиева

Олий таълим муассасаларида касбий фанларни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил этилиб, унинг педагогик ва дидактик жиҳатлари аниқланган.

***Калит сўзлар**: ўқитишнинг техник воситалари, ахборот технологиялари, индивидуаллашган ва интенсивлашган таълим, интерфаол услублар, дидактик тамойиллар.*

Проанализировано состояние использования информационных технологий в обучении профессиональным дисциплинам в высших учебных заведениях, определены педагогические и дидактические особенности данного процесса.

***Ключевые слова:** технические средства обучения, информационные технологии, индивидуализированное и интенсивное образование, интерактивные методы, дидактические принципы.*

The analysis of the condition of using information technologies in the process of teaching professional disciplines at higher educational institutions has been carried out, pedagogic and didactic features are determined. is made and its pedagogical and didactic features are difenet.

***Key words**: training means, information technologies, individualised and intensive education, interactive methods, didactic principles.*

Сўнгги йилларда ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ) таълимнинг барча турларида ва шаклларида кенг қўлланмоқда. Уларнинг турлари ва таълимга жорий этишнинг методлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ЎТВни қўллаш тажрибалари бирмунча шаклланди [1]. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, ўқув жараёнида фаол қўлланишига қарамай, ЎТВ фақат ёрдамчи дидактик воситалардир. Анъанавий таълимда ўқитувчи энг асосий ўринга эга. Ўқитувчининг талабага ахборот етказишида жонли (бир-бирини тушунганлигини билдирувчи) мулоқотнинг мавжудлиги жуда муҳимдир.

ЎТВнинг самарали шакли сифатида компьютер воситаларидан фойдаланиш зарурий тегишли компетентликка эга талабага интерфаол ўқув дастурлари ёрдамида фан бўйича дастлабки билимларни олиш ва фанни ўзлаштиришга имкон беради. Талабанинг зарур билимни мустақил тарзда турли манбалардан олишига ҳеч қандай макон ва вақт бўйича чеклашлар бўлмайди. Шунингдек, компьютер воситалари талабалар эгаллаган билимларни мустақил ва доимий назорат қилишга имкон яратади. Бу ўз навбатида уларнинг изланувчанлигини мотивациялашга ва ўрганиш жараёнига ижодий ёндашишларига имкон беради.

Таълимда компьютер воситаларини қўллаш негизида маълум дидактик тамойиллар ётади. Уларнинг муҳим жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин [2]:

1. Таьлим жараёнида компьютер воситаларини қўллаш, асосан, талабанинг изланувчанлик фаолиятига таянади. Бундай таълим муҳитида талаба ижодий қобилиятининг тўла очилишига эришиш зарур. Талабанинг ўқув ахборотларидан тўла фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши тақозо этилади. Ҳозирда барча олий таьлим муассалари (ОТМ)да корпоратив тармоқ ва Интернет орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

2. Талабанинг ўрганиш фаолияти фаол характерга эга бўлиши зарур. Бундай фаоллик, аввало, унинг ўрганишга интилишдек ички мотивацияси билан аниқланади. Ўқитишнинг фаол методлари ўқитувчи ва талаба ўртасидаги коммуникациянинг «кўпчилик-кўпчиликка» турига мос келади ва форум, мулоқот гуруҳи, лойиҳа гуруҳи кабиларга бўлинади.

3. Таълим аниқ шахсга қаратилган бўлиши зарур. Таълим самарадорлигини оширишга фақатгина индивидуаллаштирилган ўқув-ўрганув фаолиятига таянган ҳолдагина эришиш мумкин. Бундай ҳолатга компьютер воситаларига таянган юқори технологик шароитдагина эришиш мумкин.

Маълумки, янги компьютерлаштирилган шаклда ўқитиш ОТМ ҳудуди ёки ундан ташқарида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ахборот манбаининг қаердалиги ва қайси вақтда ўрганилишининг аҳамияти қолмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) фан ва техниканинг энг устувор йўналишларидандир. Гувоҳи бўлиб турибмизки, XXI асрга келиб улар ҳал қилувчи ўринга кўтарилди. Буни шундай тушуниш керакки, АКТ тармоқлараро нуфузга эга, яъни кўплаб технологик соҳалар ёки тадқиқот йўналишларига туртки беради, натижада тараққиётнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Таълимда АКТнинг кўптомонлама қўлланиши туфайли таълим муассасасининг технологик инфратузилмаси пайдо бўлди. Бундай тузилма асосида ОТМларнинг ахборотлари турли базаларда тақсимланган корпоратив телекоммуникацион таълим тармоқлари тузилди. Унинг ёрдамида ОТМнинг исталган қисмида ва, шунингдек, масофавий таълим шаклида кенг таълим фазосидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, таълимни ахборотлаштиришнинг қуйидаги муҳим йўналишларини алоҳида кўрсатишимиз мумкин:

- ОТМ миқёсида виртуал ахборот-таълим муҳитини яратиш ва унинг муқим ишлашини таъминлаш;

- АКТни таълимни ташкил этишга, таълимга, илмий тадқиқотларга тизимли интеграциялаш;

- ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш ва ривожлантириш.

Пировард мақсад шуки, таълим тизмидаги ахборот муҳити сифат жиҳатидан тубдан ўзгартирилади, ҳар қандай шахснинг исталган билимни олиши ва жамиятнинг интеллектуал ривожланишига зарурий имконият яратилади. Ҳар қандай жамият тараққиётининг муҳим ва самарали шарти ягона интерфаол ахборот муҳитини яратиш ва кенгайтириб бориш билан белгиланади.

Табиатни янада чуқурроқ ўрганиш, фан, техника ва маданиятни ривожлантириш мақсадида бирлашиш, ахборот алмашиш умуминсоний моддий таъминланиш даражасини ўстиришга олиб келади. Шунинг учун замонавий ва истиқболли АКТни инсоният турмушининг барча жабҳаларига жорий этишнинг стратегик мақсади – ягона интерфаол ахборот фазосини яратишдан иборатдир.

Таълимда ягона интерфаол ахборот фазосини яратишдан мақсад – инсониятнинг изланувчанлик ва ижодий фаолияти учун тубдан янги имкониятлар яратишдан иборат.

Таълимда ягона интерфаол ахборот фазосини яратиш қуйидагиларга эришиш имкониятини яратади:

- ўқитиш жараёни сифатини ва самарадорлигини оширади;

- ОТМларда илмий тадқиқотларни тезлаштиради;

- ёши катталар учун ва қўшимча таълим шароитлари яхшиланади, таълим муддати қисқаради;

- ОТМларни ва тўла таълим тизимини бошқариш тезлиги ва самарадорлиги ортади;

- миллий ахборот таълим тизимини жаҳон тармоғига улаш, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ахборот ресурсларига чиқишни осонлаштиради.

Ягона ахборот таълим тизимини яратиш ва ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини ва муаммоларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

1. ОТМларнинг техник таъминланиши биринчи навбатдаги вазифадир. Таълимнинг ахборот технологиясини инвариант ва стандарт муҳитларда амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

2. Мутахассис кадрларни тайёрлаш тўла амалга оширилиши зарур. АКТ бўйича мутухассисларнинг таълим тизимидан тижорий структураларга ўтиб кетиши кузатилмокда.

3. Ташкилий тадбирларнинг муҳимлиги. Ахборот таълим тизимини самарали ривожлантириш учун педагогик ва илмий жамиятнинг доимий мувофиқлаштирувчи иштироки зарур.

4. Жамият ахборот ресурсларининг электрон шаклларга ўтказилиши муҳим. Бундай ўтказиш технологияларини такомиллаштириш АКТнинг долзарб муаммоларидандир.

5. Миллий ахборот ресурсларини жаҳон ахборот муҳитига интеграциялаш.

ОТМларда кадр тайёрлашда мультимедиа ресурсларини қўллаш катта амалий аҳамиятга эга. АКТни таълимга жорий этиш натижасида ахборотни электрон қайта ишлаш ва узатишга асосланган янги шаклдаги таълим технологиялари пайдо бўлди. Мультимедиа тизимлари ва интерфаол компьютер дастурларининг пайдо бўлиши туфайли масофавий таълим ривожланди. Ўқув жараёнига АКТни қўллаш ўқитувчининг оғир меҳнатини енгиллаштиради, матн, график, анимация, товушли ва видео элементлар шаклидаги кенг мазмунли ва ранг-баранг кўргазма материаллар яратиш имконини берди. Интерфаол компьютер дастурлари талабаларни фикрлаш, нутқ, жисмоний жиҳатдан фаоллашиштиради ва натижада материалнинг ўзлаштирилишини тезлаштиради.

Анъанавий тарзда ОТМлар учун тўрт гуруҳдаги таълимий нашр тизимлари шаклланган:

- дастурий-методик нашрлар;

- ўқув-методик нашрлар;

- ўқув адабиётлари нашрлари;

- ёрдамчи адабиётлар.

АКТни қўллаш ҳисобига анъанавий нашрлар қаторига янги турдаги электрон интерфаол ресурслар ва назорат дастурлари пайдо бўлди.

Замонавий мультимедиа курси нафақат интерфаол матнли ёки гиперматнли материал, балки аудио ва видео материаллари билан бойитилган электрон ресурсдир. Ўқитиш жараёнининг самарали бўлиши учун ўқув ахбороти турли электрон шаклларда берилади. Электрон дарслик, электрон справочник, виртуал машқлар ва лаборатория тажрибалари, тестлаш тизимлари мультимедианинг шаклларидир.

Электрон дарслик талабанинг зарурий темпда мустақил ўрганиши учун хизмат қиладиган гиперматнли ресурсдир. Электрон маълумотнома эса ўқувчининг тезкор тарзда ва компакт шаклда зарурий ахборотни топиб фойдаланишига хизмат қилади. Ҳар қандай электрон дарсликка электрон справочник илова қилиниши одатга кириб қолди.

Назарий билимларни бериш анъанавий тарзда маърузалар орқали берилган бўлса, энди видео маъруза ва мультимедиа маърузалар пайдо бўлди. Видео маърузада ўқитувчининг маърузаси видеотасмага ёзилган бўлади, ундан талаба қайта-қайта ва ўзига керакли жойда фойдаланиши мумкин. Мультимедиа маърузада эса интерфаол компьютер ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлади.

АКТдан фойдаланиб амалий ва лаборатория машғулотларини ўтиш юқори савиядаги кўргазмалилик ва тезкор билим олиш билан бир вақтда талабаларнинг ижодий изланишларига кенг имконият яратади.

Шундай қилиб, мультимедиа курслари таълимнинг самарадорлигини оширишга имкон берадиган истиқболли дидактик воситалардандир. Унинг муҳим жиҳати шундан иборатки, талабанинг индивидуал хислатларини, компетентлик даражасини, таълимга эҳтиёжини ва мақсадини эътиборга олиш зарур. Бу эса педагогдан тегишли педагогик технологияга эга бўлишни талаб этади. Бошқача айтганда, мультимедиа курси асосий дидактик восита сифатида учта алоҳида муҳим қисмларни – ўқув материал моҳияти, ўқитиш методи ва ўқитиш технологияларини бирлаштиради. Албатта, бу уч қисм бир-бири билан узвий боғланган ҳолда шахснинг мустақил билим олишини таъминлай оладиган ўқитиш тизимини ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Лапчик М.П. и др. Методика преподавания информатики: Учеб. пособие для студ.пед.вузов. – М.: Академия, 2001.- 624 с.

2. Эйрих Е.А. Применение информационно-коммуникационных технологий в учебном процессе – требование международных стандартов. 2012. https:\\articlekz.com\article/13420

Андижон давлат университети,
2017 йил 18 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Алиев)